

ТАНИЕВА Гулдона Мамановна
 Низомий номидаги Тошкент давлат
 педагогика университети
 профессор в.б, тарих фанлари доктори
 mail: guldona1970@mail.ru

ИСЛОМ МАФКУРАСИДА САЁҲАТ ОМИЛИ: МОҲИЯТ ВА АҲАМИЯТ

ФАКТОР ПУТЕШЕСТВИЯ В ИСЛАМСКОЙ ИДЕОЛОГИИ: СУЩНОСТЬ И ЗНАЧЕНИЕ

THE FACTOR OF TRAVEL IN ISLAMIC IDEOLOGY: ESSENCE AND SIGNIFICANCE

Аннотация. Саёҳат ислом динининг ёйилишида ва ислом цивилизацияси тараққиётида жуда муҳим омил саналади. Ўрта асрларда мусулмонларнинг илм ўрганиши, савдо иши, элчилик алоқалари ва ҳаж қилиши мақсадларида амалга оширилган саёҳатлари халқаро маданий алоқалар ривожини, ислом маданиятининг кенг ёйилишини учун катта имконият яратган. Шу маънода сафар омили Марказий Осиё мусулмонлари ҳаётида ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маърифий жиҳатларга эга бўлган.

Калит сўзлар: Ислом, саёҳат, ислом цивилизацияси, тасаввуф, Марказий Осиё, ҳаж.

Аннотация. Путешествия играли важную роль в распространении ислама и развитии исламской цивилизации. В средние века мусульмане совершали путешествия с целью обучения, торговли, установления дипломатических отношений и паломничества (хаджа). Это способствовало развитию международных культурных связей и широкому распространению исламской культуры. В жизни мусульман Центральной Азии путешествия имели особое значение, оказывая влияние на социальные, экономические, духовные и образовательные аспекты их жизни.

Ключевые слова: ислам, путешествия, исламская цивилизация, суфизм, Центральная Азия, хадж.

Annotation. Travel is a very important factor in the spread of Islam and the development of Islamic civilization. In the Middle Ages, travel of the Muslims for the purpose of education, trade, establishing diplomatic relations and the Hajj pilgrimage created great opportunities for the development of international cultural ties and the wide dissemination of Islamic

culture. In this sense, the factor of travel had unique social, economic, spiritual and educational aspects in the lives of Muslims in Central Asia.

Keywords: Islam, travel, Islamic civilization, Sufism, Central Asia, Hajj.

КИРИШ

Ислом мафкураси заминиди вужудга келган ва кенг ёйилган суфийлик тариқатларида ҳам бажарилиши талаб этилган зикр, хилват (ёки чилла), робита (муриднинг руҳан ўз пири ва унинг воситасида Оллоҳнинг ҳузурини эканлигини ҳис қилиши), сайру-сулук (нафсини енгиш учун руҳий саёҳат) каби амалий вазифалар қаторида яна саёҳат қилиш, яъни жисмонан саёҳат қилиш ҳам муҳим саналган. Демак, тасаввуфда икки хил саёҳат биринчиси руҳий саёҳат, иккинчиси жисмоний саёҳат фарқланади.

Тасаввуфда саёҳат Оллоҳ яратган гўзалликларни кўриб, ибрат олиш, вужуд ва қалб саломатлигига эришиш, ориф, олимларга яқинлашиш, муршид излаб топиш, Байт ул-Ҳарам, Байт ул-Макдиси зиёрат қилиш, такка (хонақоҳ)ларни зиёрат қилиш каби мақсадларда амалга оширилиши айтилади [13:89]. Суфийларнинг руҳий-маънавий камолоти учун сафар қилиш энг маъқул ажруриёзат турларидан саналган [6:35]. Тасаввуф таълимотида инсон табиати бир-бирига қарама-қарши бўлган икки унсур – моддийлик ва руҳдан таркиб топган, кимнинг табиатида моддийлик устун бўлса, унинг руҳиятида ҳайвоний хусусиятлар ривожланади, агар руҳ ғалаба қилса, унда илоҳий жиҳатлар камол топади, деб талкин қилинади. Шунинг учун биринчидан, ҳаж сафарларидаги жисмоний қийинчиликлар суфийлар учун руҳнинг тарбия топиши ва камолотга етишишида асосий йўллардан бири саналган. Иккинчидан, улар сафар давомида ўз суҳбатлари, мушоадалари ва чиниққан жисмоний иродалари билан ҳам бошқа мусулмонларнинг маънавий, руҳий камол топиши учун катта таъсир ўтказган. Шу боис суфийлар халқ орасида “сайёҳун”лар деб ҳам аталган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўрта Осиёда кенг ёйилган кубровия тариқатида ҳам суфийларнинг авлиёлар

мозорлари ва мақбараларини зиёрат қилиш, шайхлар хузурига ташриф буюриш ва дарвиш чидам бардошини амалда синаш каби учта мақсадда қилган саёҳати тўғри саналган [2:24]. Ҳаж сафари эса ҳар учала мақсад учун мос ва афзал саналган. Марказий Осиёлик кўплаб шайхлар, суфийлар мусулмон мамлакатларини илм олиш, ҳаж қилиш мақсадларида пиёда кезиб чиққан [12:175]. Айниқса, ҳаж сафарини пиёда амалга ошириш суфий учун жуда катта шараф ҳисобланган. Тарихий асарларда Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг (вафоти 1140–1141) 38 марта пиёда ҳаж қилгани, шайх Шамсиддин Кулолнинг Қаршидан Макка томонга пиёда йўлга чиққани, Ҳазрати Маҳдумнинг “кўп марта пиёда” ҳаж сафарини амалга оширган ҳақида маълумотлар берилган [1:50; 14:79].

Шунингдек, ўрта асрларда мусулмонлар илм олиш ва ҳаждан ташқари савдо, фатх, ишлаб пул топиш, турли тазйиқлардан қутилиш каби мақсадларда ҳам ўзга шаҳар ва мамлакатларга тез-тез сафар қилган. Айниқса, илм олиш учун қилинган сафарлар билан ҳаж сафарлари ўзаро боғлиқ ҳолда кечган. Сафарларни амалга оширган кўплаб Ўрта Осиё алломалари турли халқлар маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган. Асрлар давомида узлуксиз давом этган бундай сафарлар саёҳатчиларнинг турли халқлар ҳаёти, маданияти, урф-одати билан танишишига, дунёқарашининг ўсишига имкон берган. Ҳатто Ўрта Осиёга ташриф буюрган сайёҳлар ҳам Бухоро, Самарқанд каби йирик маданият марказларининг ислом олами билан ўзаро маданий алоқалари ривожини учун катта ҳисса қўшган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий асарида ҳаждан қайтаётган шайхларнинг Бухорога Хожа Имом Абу Ҳафс Кабир Бухорий (вафоти 832 й.) хузурига келиб, Ирок, Шом уломолари ечимини тополмаган масалаларга жавоб олишлари ҳақида ёзиб қолдирган. Айнан шу аллома туфайли Бухоро шаҳри “Қуббат ул-ислом” яъни ислом динининг гумбази, деб атала бошлаган.

Буюк муҳаддис олим Имом Исмоил Бухорий 16 ёшида Маккага сафар қилиб, у ерда 4 йил яшаб қолган ва ҳадис тўплаб, тартибга солиш ишига бел боғлайди. Хожа Юсуф Ҳамадоний (вафоти 1140/1141) 38 марта пиёда ҳаж қилиб, 8 минг бутпарастни мусулмонликка киритган. Бир муддат Самарқандда яшаган алломанинг 17 нафар муриди етук авлиё даражасига

етган. Шунингдек, Неъматуллоҳия тариқати асосчиси Шох Неъматуллоҳ Вали (1330 – 1431) номи билан машҳур бўлган Неъматуллоҳ ибн Саййид Абдуллоҳ Кирмоний ҳам илм ўрганиш мақсадида 24 ёшида ҳаж амалларини бажариб, у ерда маълум вақт сўфий ва тарихчи Абдуллоҳ ал-Ёфеъийдан (1298 – 1367) таҳсил олади. Устози вафот этгач, Мовароуннаҳрга қайтиб, Самарқандда, Қаршида яшаб, туркий уруғлар орасида ўз тариқати ғояларини кенг тарғиб қилган [4:57]. Демак, шайхларнинг сафарлари халқлар ўртасида ислом илмининг кенг ёйилишига таъсир қилган омиллардан бири саналган.

И.Низомутдинов ўз асарида Ҳиндистон орқали ҳаж сафарини амалга оширган кўплаб Ўрта Осиё зиёлилари, шайхларининг икки халқ маданияти тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида ёзар экан, XIV асрда 35 минг байтдан иборат «Шоҳнома», 6 минг байтдан иборат дивон ёзган тошкентлик (чочлик) шоир Бадриддин Чочийнинг 1332 йилда ҳаждан қайтаб, умрининг охиригача Ҳиндистонда қолиб ижод қилгани ва Ўрта Осиё, Ҳиндистон халқлари маданий-адабий алоқаларида муносиб из қолдиргани ҳақида маълумот беради [10:25-26]. У шоир Амир Ҳисрав сингари Деҳлида ҳукмдор саройида “малик ул шуаро” яъни шоирлар амири деган номга сазовор бўлиб, замондошлари эса уни “фаҳруз замон”, яъни замона фаҳри, деб аташган, дейди.

Бундан ташқари, сафарга чиққан йўловчилар ўзлари билан ноёб илмий, диний, шеърӣ асарлар намуналарини олиб кетиш ва аксинча турли қўлёзма асарларни ватанларига олиб келиш орқали ҳам халқларнинг маданияти, маънавиятининг ўсишига таъсир кўрсатган. Абу Бакр Муҳаммад бин Али Қафғол Шоший ал-Кабир кўп маротаба ислом мамлакатларига ва ҳажга сафар қилиб, аксар илмларини Бағдодда олгани, бир галги сафарида ҳазрати Усмон Мусҳафларини олиб келганлиги ҳақида далиллар бор [15:59]. Шунингдек, Хўжа Аҳрорнинг муридлари ҳаждан қайтишда турк султони саройида бўлган, у Хўжа Аҳрорга чексиз ҳурмат рамзи сифатида Усмон Мусҳафини бериб юборган [7:76].

Усмон Мусҳафининг Ўрта Осиёга ким томонидан ва қачон олиб келингани ҳақида турли фикрлар мавжудки, масаладан четга чиқиб кетмаслик мақсадида бу ҳақида тўхталиш

жоиз топилмади. Шу каби “Темур тузуклари” асарининг кенг китобхонлар орасида маълум бўлиши ва форс тилига таржима қилиниши жараёни ҳам хориж сафарлари билан боғлиқ кечган. Аслида эски ўзбек тилида ёзилган бу асарнинг форс тилидаги нусхаси бизгача етиб келган [11:150]. XVII асрда Мир Абу Толиб ал Ҳусайний ал-Турбатий ҳаждан қайтишда Яманда бўлиб, ҳукмдор Жаъфар пошша кутубхонаси туркийда ёзилган “Темур тузуклари”ни кўради. У сафарини давом эттириб, Аграга келгач, ҳукмдор Шохжаҳон (1628 – 1658)нинг топшиғига кўра, 1638 йилда асарни форс тилига таржима қилади. Демак, кўпинча алломалар, зиёлилар томонидан амалга оширилган сафарлар улар учун турли ноёб асарлар билан танишиш билан бирга улардан намуналарни ватанларига олиб келиш имконини ҳам берган, ҳатто бошқа тилларга таржима қилиш учун туртки ҳам берган.

Худди шундай, “Матлаб ут-толибин”да ёзилишича, Жўйбор шайхи Абдурахимхожа тахминан 1625 – 1626 йилда сафарга йўл олганда ўзи билан Ҳиндистонга совға сифатида қимматбаҳо буюмлар қаторида чиройли безак бериб кўчирилган кўплаб китоб намуналаридан ҳам олган [1:317]. Ҳатто 1647 йилда Ҳижозда вафот этган, машҳур хаттот Саййид Абдуллоҳ Бухорий Истамбулга кетиб, у ерда настаълиқ хатида бадий кўчириш усулининг кенг ёйилишига сабабчи бўлган. У Муҳаммад пошша буйруғига биноан “Шоҳнома”ни кўчиради [16:257].

Шунингдек, асли ватани Ўрта Осиё бўлган сув юзасига нақш солиш - эбру санъати билан дастлаб XVIII – XIX асрларда Истамбулда Ўрта осиелик, аниқроғи, бухоролик тасаввуф намояндалари (нақшбандия тариқати намояндалари) шуғулланган ва унинг кенг ёйилишига сабабчи бўлган [9:25]. Асли ватани Бухоро бўлган бу санъат китобат санъати билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бугунги кунда унинг энг ривожланган маркази Туркия саналади. Истамбулда айнан бухороликлар таккасида бугунги кунда ҳам шу санъат билан шуғулланган шайх Нажмиддин Ўқёй авлодлари яшаб келмоқда. Бу такка биносидан эбру санъатини ўргатиш ўқув маркази фаолият олиб бормоқда.

Ислон оламининг машҳур алломалари асарлари, ноёб китоблар кўпинча, турли

ҳукмдорлар томонидан саёхатчи мусулмонларга қилинган ҳадя сифатида ҳам Ўрта Осиёга кириб келган. Масалан, XIX асрда Эроннинг Сарандаж шаҳрида вилоят ҳокими Хусравхон ҳаждан қайтаётган Муҳаммадҳакимхон Тўрага турли қимматбаҳо совғалар қаторида “Нафоис ал-мазмун” (унинг ким томонидан ёзилгани ва қандай асар эканлиги номаълум (Ш. Воҳидов)) номли китобни ҳам тортиқ қилган [8:604]. Н.Б. Байкованинг асарида ёзилишича, XVIII аср ўрталарида Ҳиндистоннинг Лакнау шаҳрида босила бошлаган тошбосма китоблар айни қарвонлар билан Ўрта Осиё шаҳарларига кириб келган [3:68]. Шу каби айнан хорижий сафарларнинг ўзи ҳам маданиятлар ривожини учун муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, Ўрта осиелик айрим зиёратчилар ўзларининг бошқа мамлакат ва шаҳарларга қилган саёхатлари ҳақида ёзиб қолдирган кундаликлари, саёхатномалари ёки ҳажномалари билан ҳам нафақат маҳаллий маданият, балки жаҳон халқлари маданияти ҳазинасини бойитган. Масалан, Шайх Ҳусайн Хоразмий маноқиб, Абдулазизхон ҳажномаси, Муҳаммадҳакимхон Тўра асари сафарномаси, Саййид Аҳмад хожа нақиб ибн Муҳаммад Юсуф хожа нақиб Бухорий ҳаж сафарномалари каби кўплаб асарлар ўз даврида йўл кўрсатувчи қўлланмалар, турли халқлар маданияти билан таништирувчи асарлар сифатида нафақат Ўрта Осиё халқларининг, балки бошқа қардош халқлар ва умуман инсоният маданий бойликлари қаторидан ҳам муносиб жой олган [17:39-48].

Шарқ қулёзмалари тўпламига киритилган Муҳаммад Порсо қаламига мансуб “Тарихи Макка” асари айнан ҳаж зиёратчилари илтимосига биноан йўлқўрсаткич сифатида Каъба, Макка, Мадина масжидлари, Каъба дарвозалари, уларнинг жойлашуви, улар оралиғидаги масофалар, муқаддас қабрлар, уларда дафн этилган шахслар, Дамашқ, Қуддус ва Қарбалода жойлашган муқаддас қабрлар, зиёрат қилиш тартиби ҳақидаги савол-жавоб тарзида ёзилган. Шунингдек, бу тўпламга киритилган Абдурахмон Самарқандий (яшаган даври номаълум), Мулла Мирза Олим ибн домулла Мирза Раҳим Тошкандий (XIX-XX аср боши) каби муаллифлар қаламига мансуб 10 дан ортиқ шу мазмундаги асарлар ҳам ислон маданияти ва тарихининг ноёб манбаларидан саналади [11:185;5:261-288].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, саёҳат ислом дини мафқурасида ҳамда унинг негизида вужудга келган тасаввуф ғояларида ҳам алоҳида ва муҳим ўрин тутувчи омил саналади. Яъни сафарларга инсон руҳиятини, ирода кучини орттиради, дунёқараши ва илмини ўстиради деб қаралади. Шунингдек, ўтмишда амалга оширилган саёҳатлар нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун мусулмон оламида ислом маданиятининг янада тараққий этиши ва кенг ёйилишида муҳим аҳамият касб этган. Улар асосида яратилган асарлар, саёҳатномалар, ҳажномалар эса ислом маданиятининг ноёб намуналари сифатида ўз қийматини сақлаб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абулаббос Муҳаммад Толиб ибн Тождиддин Ҳасанхожа ал-Ҳусайний ас-Сиддикий. Матлаб ут-толибин / Таржимонлар Ғ.Каримий, Э.Миркомиллов. – Тошкент: Мовароуннахр, 2016.
2. Algar Hamid. Tariqat and Tariq: Central Asian Naqshbandis on the Roads to the Haramayn // Central Asian Pilgrims Hajj Routes and Pious Visits between Central Asia and the Hijaz / Edited by Alexandre Papas, Thomas Welsford, Thierry Zarcone (eds.). – Berlin: Klaus Schwarz Verlag GmbH, 2011.
3. Байкова Н.Б. Россия билан Шарқ ўртасидаги иқтисодий алоқалар тарихидан. – Т.: Фан, 1964.
4. Бузруков М.Ж. Амир Темур ва темурий ҳукмдорларнинг руҳонийлар билан муносабатининг ўрганилиши хусусида // Амир Темур даврида Мовароуннахр. Археология, тарих, маданият. – Т. 2017.
5. Дониш Аҳмад. Наводирул вақое” (Нодир воқеалар). Т.: Фан, 1964.
6. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996.
7. Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. – СПб., 1887.
8. Муҳаммадҳакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. (Хўқанд ва Бухоро тарихи, саёҳат ва хотиралар) / Форс-тожик тилидан таржима, муқаддима, изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. – Т.: Янги аср авлоди, 2010.
9. Mehmet Necmeddin Bardakçi. Cemâl-i ilâhiye ayna bir yıldız: Mehmed Necmeddin Okyay Hoca Efendi / Vefatinin 35. eilinda hattat Necmeddin Okyay. – Istanbul. 2011.
10. Низамутдинов И. Из истории среднеазиатско-индийских отношений (IX – XVIII вв.). – Ташкент: Узбекистан, 1969.
11. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История / Составители Д.Ю. Юсупова, Р.П. Джалилова. Т.: Фан, 1998.
12. Tanieva G.M. The use of travel pervers by Central Asian pilgrimage in the XV-XIX centuries / Journal of Positive School Psychology /2022, Vol. 6, No. 3 / <http://journalppw.com>.
13. Турар Усмон. Тасаввуф тарихи / Турк тилидан Н.Ҳасан таржимаси. – Тошкент: Истиклол, 1999.
14. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Худойберган ибн Бекмуҳаммад таржимаси. Нашрга тайёрловчилар М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. – Тошкент. 2004.
15. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи / Арабчадан Абдуллоҳ шайх Исмоил Махдум ўгли таржимаси. – Т.: Мовароуннахр, 1995.
16. Шарифжон Махдум. Рисолаи хаттотон. – Бухоро. 1923.
17. Юсупова Д.Ю. Сведения Бухарского накыба Саййид Аҳмада Ходжи о Хивинском ханстве середины XIX в./ Труды молодых ученых и аспирантов Института востоковедения АН Р Уз. Ч.П. – Т: Фан, 1969.